



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 9 июль, № 139 (9034)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини ошириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида sanoat кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудлар даражасидаги самарали алоқаларни, фаол маданий

гуманитар ва таълим алмашинувини кенгайтириш мақсадида ўзаро мувофиқлашган ишлар ҳамда амалий идоралараро ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу маънода, жорий йилнинг кузига ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг иккинчи йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, унинг натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Газпром нефть» компанияси бошқаруви раиси Александр Дюковни қабул қилди.

Россиянинг ушбу етакчи компанияси билан нефть-газ мажмуасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни тегишли «Йўл харитаси»га мувофиқ ривожлантиришнинг истиқболли режалари кўриб чиқилди.

Геология-қидирув ишларини олиб

бориш, мураккаб конларни ўзлаштириш, соҳани рақамлаштириш, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича қўшма чора-тадбирлар ва кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ Бўйича Қўшимча Вазифалар Белгиланди

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг йил бошидаги биринчи қарори шу масалага қаратилган эди. 3 январда имзоланган мазкур қарорда соҳа идоралари учун 2025 йилда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш устувор вазифа этиб белгиланди ҳамда криминоген вазияти оғир маҳаллаларга масъул раҳбарлар номма-ном бириктирилди.

Ўтган олти ойда ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла бўйича манзилли «йўл хариталари» асосида ижтимоий профилактиканинг самарали тизими йўлга қўйилди, жамоат жойларини рақамлаштириш қамрови оширилди, ҳуқуқ-тартибот олийгоҳлари томонидан илмий-амалий ўрганишлар ўтказилди. Алоҳида эътибор вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар ва oila-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятчиликни жиловлашга қаратилди. Бунинг натижасида 5 минг 200 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир бўлмади.

Лекин криминоген вазияти оғир маҳаллалар ҳали ҳам бор. Про-

филактика инспекторлари, тезкор-қидирув, патруль-пост ва кўриқлаш хизмати фаолиятини кучайтириб, аҳоли хавфсизлигини жойларда таъминлаш шартлиги қайд этилди. “Бутун тизимни пастга” тушириб, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ҳолатлари кўп учраб турибди. Бунга қарши курашилаётган, зарарли воситалар ва лабораториялар йўқ қилинаётган бўлса-да, муаммо тўла бартараф этилмаган. Шу боис видеокузатув камералари ва сунъий интеллект-ни қўллаб, гиёҳвандлик моддалари тарқалишини аниқлаш, манбасини таг-томири билан йўқ қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кундаги яна бир долзарб муаммо — кибержиноятчилик. Юртимизда йил бошидан буён содир этилган жиноятларнинг 42 фоизини шу иллат ташкил қилган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 30 ап-

релда имзоланган “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори долзарб аҳамиятга эга бўлди. Ундаги вазифаларни тўла амалга ошириб, кибержиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг бу борадаги билими ва огоҳлигини кучайтириш, тўлов тизимларида мижозларнинг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги айтилди.

Соҳа ходимларининг билим ва малакасини ошириш — замон талаби. Шу боис Ички ишлар вазирлиги Академияси фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган. Жумладан, унга қабул квотасини босқичма-босқич ошириш, янги йўналишлар очиш ва дуал таълимни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таълим ва малака дастурларини замонавий хавф-хатарларга мослаштириш, ходимларнинг жанговар ва руҳий

шайлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ички ишлар тизими прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан узвий иш олиб бормоқда. Хусусан, республикадаги криминоген вазият кундалик таҳлил қилиниб, манзилли назорат тадбирлари ўтказилляти. Ҳар бир жиноятнинг сабаблари ўрганилиб, қайта такрорланмаслиги чоралари кўрилмоқда. Муқаддам судланган ёки маъмурий назоратдаги инсонларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга кўмаклашилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ишининг ўзаро мувофиқлиги ва тезкорлигини кучайтириб, қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш, жиноятчиликни кескин камайтириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва қонун устуворлиги иқтисодиёт ривожини, аҳоли фаровонлигининг муҳим шартини таъкидланди.

Ў.А.

Сенат кўмитасида

ФАВҚУЛОДАА ВАЗИЯТЛАРДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАР ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда махсус юрлар ва ҳарбий таркибларнинг транзити билан боғлиқ рухсатномаларни бериш тартибини соддалаштириш, шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар хавфини камайтириш ҳамда фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган зарарни баҳолаш механизмларини аниқ белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Амалдаги “Махсус юрлар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида”ги Қонунда транзит рухсатномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган санадан эътиборан ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилиниши, зарур ҳолларда эса мазкур муддат узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ қонунда ушбу муддатни узайтиришга асос бўлувчи ҳолатлар ҳамда узайтирилиши мумкин бўлган муддат чегараси аниқ белгиланмаган. Амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида муҳокама қилинаётган қонун билан транзит рухсатномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган санадан эътиборан йигирма кундан ошмайдиган муддатда қабул қилиниши, мазкур муддатни узайтиришга асос бўлувчи ҳолатлар ҳамда узайтириш мумкин бўлган муддат чегараси аниқ белгилаб қўйилмоқда.



Янги Ўзбекистон бунёдкори

ВАТАННИ СЕВИШ КЕРАК!

Ҳар куни эрта тонгдан жонажон юртимиз жамолига ифтихор туйғулари билан қараб қўяман. Ҳар қадамда курилиш, янгиланиш, ўзгариш кўзга ташланади. Кимдир “Уф, ҳаво жуда киздирди-да”, деб нолиб қўяди. Мен айтаман: албатта киздиради-да, нима, ёзда ҳаво совиши керакми?! Ҳамюртимиз Ҳамид Олимжон ёзган-ку: “Бир парча ўт бўлиб бунда кун, Пахтасига ишлайди ҳар кун” деб. “Пахтасига” деганининг маъноси шуки, ғўза — бобоқуёш фарзанди. Ўз вақтида биз ҳам фермер ҳўжалигимизни “Қуёшсевар Парда” деб атагандик. Минг шўкрки, Ўзбекистонимизда тўрт фасл муқаммал. Шундай заминда яшаётган одамлар ҳам муқаммал бўлиши керак.

Шаҳар, қишлоқларимизни айлансак, ҳар қадамда бунёдкорлик масканларига дуч келамиз. Одамларнинг юз-кўзидида амалга оширилаётган ислохотлардан мамнуният акс этиб турибди. Янги Ўзбекистон шуқуҳи, завқи халқ кайфиятида намоён бўлмоқда. Бир неча йил муқаддам муборак ҳаж сафарига бориш насиб қилганди. Олис масофалардан ўтиб келган юртимиз ҳожилари Яратганга шундай илтижо этишди: “Ўзбекистонимизга тинчлик-омонлик ёр бўлсин. Бизга шундай шароитни яратган Президентимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!”. Ишончим комилки, қалб қатидан отилиб чиққан бу дуолар албатта ижобат бўлғусидир.

Давлатимиз раҳбари эртаю кеч “Халқимнинг оғирини енгил қилай”, деган ниятда интилади. Буни биз Шавкат Миромонович вилоятимизда ҳоким бўлганида ҳам кўриб-билганмиз. Ўзим “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлганимда энг аввал у кишинида табриқни қабул қилганман. Ўша пайтлар ҳосил мўл-кўл етилган даламизда ўтган кунларни ҳалим ажиб завқ-шавқ билан эслаймиз.

Ҳозир ҳам бирор тўй-маъракада, изди-хомларда одамлар билан гаплашганимда “Сиз катта анжуманларда Президентимиз билан кўришиб қолсангиз, ҳаммамизнинг миннатдорлигимизни етказиб қўйинг”, дейишади. Шундай пайтларда кўнглимга чўғ тушади, ажиб бир ғурурни туяман.

Ёки минтақамизнинг қўшни мамлакатларига йўлимиз тушиб қолса, ҳамма бизга

ҳавас билан қарайди. “Қандай ажойиб, туну кун халқини ўйлайдиган Президентингиз бор!” дейишганида қалбимиз кувонча тўлади.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган IV халқаро инвестиция форумини ёдга олайлик. Дунё мамлакатлари билан олди-берди қилиш, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри инвестиция жорий этиш бўйича қанчалик улкан имкониятларимиз борлиги ҳақида сўз кетди. Ўша анжуманда давлатимиз раҳбари меҳмонларга шўнчалик самимий мурожаат қилдики, Ўзбекистон иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишга муносиблиги ҳамманинг кўз ўнгидида намоён бўлди. “Сизларни юртимизга шўнчаки сармоа киритишга эмас, — деди у киши, — балки муваффақиятимиз тарихининг чинакам иштирокчиларига, биз яратаётган буюк келажақнинг ажралмас қисмига айланишга чорлаймиз”.

Бу, Президентимиз таъкидлаганидек, марррани баянда олганимиздан нишона.

Ҳар куни янги Ўзбекистоннинг янги одимларини кутиб олаёмиз. Бу маънавий ҳаётимизда ҳам, турмуш тарзимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Оддийгина пенсияга чиқувчилар учун жорий этилган янги тартибни олинг. Илгари пенсияга чиқиш учун қанчадан-қанча идоралар олдида сарсон бўлардик. Бу юмушни “югур-югур” деб номлардик. Энди бўлса, давлатнинг ўзи фуқароларга хизмат қилапти. Бу роҳат-фароғат эмасми?!



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Палата Спикери Н. Исмоилов бугунги кунда Ўзбекистон муҳим халқаро иқтисодий платформаларда фаол иштирок этаётгани, бу савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, янги бозорларга чиқиш ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошираётганига тўхталиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2 — 4 июль кунлари Озарбайжон Республикасига давлат ташрифи мазмунли, самарали ва тадбирларга бой бўлгани, барча соҳа ва тармоқлардаги алоқаларни чуқурлаштириш юзасидан мулоқотлар олиб борилгани қайд этилди. Олий даражадаги музокаралар ёқунда имзоланган қатор муҳим ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги манфаатли муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустақамлашга хизмат қилиши ургуланди.

Президентимизнинг Хонкенди шаҳрида ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитидаги нутқи Ўзбекистоннинг бугунги геосийсий мураккаб шароитда минтақавий ҳамкорликни янада мустақамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва барқарор ривожланишнинг таъминлашга қаратилган очиқ ҳамда амалий ёндашуви намоён қилгани таъкидланди. Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар барқарор тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Йиғилишда транспорт хизматини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат активларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага беришни соддалаштириш, рақобат ва очиқ бозор муҳитини яратиш, автомобиль йўллари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси кўмитага қайтарилди

Мажлисада расмий статистика соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модлама-модда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг максимал даражада очиқлиги ва шарф-флигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитасининг ташкил этилиши расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини юритиш, расмий статистикани

ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизимини доирасида мувофиқлаштириш жараёнида статистика органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, расмий статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш мақсадида ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳаси расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Депутатлар томонидан лойиҳанинг айрим нормалари баъзи қонунчилик ҳужжатларига мос эмаслиги таъкидланди.

Парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятлов қонун лойиҳасида бир қатор номувофиқликлар борлигини айтиб, фракциянинг қатъий позициясини билдирди.

Фракция раҳбарининг фикрига кўра, қонун лойиҳаси билан Вазиirlар Маҳкамасининг расмий статистика соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқлашниши ва амалга оширилишини таъминлаш ваколати Республика статистика кенгаши ваколатига ўтказилиши назарда тутилмоқда. Ваҳоланки, Президентимизнинг 2025 йил 4 февралдаги қарориди ушбу кенгашга бундай ваколат берилиши назарда тутилмаган.



«ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯ КўЛАМИ ОШМОҚДА

2025 йилнинг 1 июнь ҳолатига мамлакатимиз бўйича жами 121 168 та объектга умумий қуввати 1 417,3 МВтга тенг бўлган кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатилган.

Хусусан:

- 18 682 та ижтимоий соҳа объекти томонидан 357,8 МВт;
- 26 831 та тадбиркорлик субъекти томонидан 722,1 МВт;
- 173 798 та аҳоли хонадонига 313,9 МВт;
- 1 857 та кўп қаватли уйга 23,5 МВт.

Маълумот учун: 2025 йилнинг беш ойида ушбу панеллар орқали 489 млн. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлиб, натижада 148 млн. метр куб табиий газ тежалишига эришилган ва 220 минг тонна зарарли газлар атмосферага чиқишининг олди олинган.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги.



Эътироф

«ЎТКАН КУНЛАР» РОМАНИ – КОРЕЙС ТИЛИДА

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи корейс тилига ўғирилди. Бу иш Кэмён университети профессори Ким Чунг Сун томонидан амалга оширилди.



Китобнинг таржимаси ва уни нашр қилиш жараёни қарийб 2,5 йил давом этди. Бу вақт мобайнида роман мукаммал чиқиши учун таржимон кўплаб изланишлар олиб борди. Хусусан, мазкур асарни корейс китобхоналари янада тушунарли ва қизиқарли етказиш мақсадида профессор Ким Чунг Сун 21 — 31 март кунлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, Абдулла Қодирий уй-музейи ҳамда асар воқеалари бўлиб ўтган шаҳарлар — Тошкент, Марғилон, Қўқон, Фарғонада қатор учрашувлар ўтказди. Тошкент давлат шарқшунослик

жихатдан ҳам бекиёс қадам эканини алоҳида таъкидлашди. Асар таржимаси орқали корейс ўқувчилари ўзбек халқининг бой тарихи, инсон қалби кечинмалари, миллий ўзлик ва қадриятларини чуқур ҳис эта олиши айtilди.

Айниқса, Абдулла Қодирийнинг реалистик услуби, образлар орқали жамиятнинг мураккаб муаммоларини очиб бериши, инсон тақдири ва муҳаббат, ватанпарварлик каби абадий мавзуларга ёндашуви ҳар қандай халқ учун тушунарли ва таъсирли бўлиши таъкидланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Корейдаги элчиси Алишер Абдусаломов Кемён университети профессорига ушбу таржимани амалга оширишдаги бекиёс меҳнати ва фидокорона саъй-ҳаракатлари учун самимий миннатдорлик билдирди. Элчи ўз нутқида мазкур тадбир фақатгина бир китобнинг таржимаси ва намойиши билан чекланиб қолмасдан, балки Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат



университети профессор-ўқитувчилари билан таржима жараёни юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг невараси Хондамир Қодирий билан учрашиб, адиб ҳақида ва умуман, «Ўткан кунлар» асарининг яратилиши тўғрисида кўплаб маълумотлар тўплади ва улардан таржимани янада бойитишда фойдаланди.

Сеул шаҳрида китоб тақдиротиға бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Жанубий Корея парламенти ва ҳукумати, вазирилик ва идоралари, оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда фаол ватандошлар иштирок этди.

Китоб тақдиротида сўзга чиққанлар «Ўткан кунлар» асарининг корейс тилига таржима қилинишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ушбу иш нафақат адабий нуктаи назардан, балки маданий ва маънавий

ва умумий маданий қадриятларнинг ёрқин рамзига айланиши таъкидланди.

Корея Республикаси парламентининг Маданият, спорт ва туризм қўмитаси раиси, «Корея — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик жамияти раиси Ким Кё Хун Ўзбек халқининг машҳур бадиий асарларидан бирини корейс тилига таржима қилиб, нашр этиш фақатгина адабий алоқаларни эмас, балки халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлиқни янада мустаҳкамлашни урғулади. Унинг сўзларига кўра, бу ташаббус орқали икки миллат вакиллари бир-бирининг тарихий мероси, маънавий қадриятлари ва ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Тақдимот маросими Жанубий Корея матбуотида кенг ёритилди.

«Дунё» АА.
Сейп



Бу хонадонга киришингиз билан ажиб бир ифор димокқа урилади. Ёқимли ва хушбўй бу насим гул ҳиди экани эса сизни янада тетиклаштиради. Ховлидаги каттагина гулхонада яшнаб турган анвойи гулларнинг сони ҳам, тури ҳам жуда кўп. Қарийб ҳаммаси чамандай очилган.

Омилкорлик

— Ҳар бир кўчатни бошқа жойга кўчириб ўтқазиш учун унинг атрофида минг бор парвона бўламиз, — дейди хонадон соҳибаси. — Болаларимиз ҳам шунга ўрганган. Ўқиш, рўзгор юмушларидан бўшади дегунча гулхонага шошади. Кўчат тагини юмшатиш, сув бериш, зараркундаларга қарши курашиш дейсизми, фарзандларимиз қизиқишига қараб, хунаримиз ишончли қўлларга ўтаётганидан қувонамиз.

Дарҳақиқат, гулчилик билан шуғулланиш болалар учун меҳнат тарбияси, қолаверса, уларнинг табиат, ўсимлик дунёсига муҳаббати мактаб ёшидаёқ яхшигина шаклланиб улгуради. Агар бунга экологик тарбияни



қўшадиган бўлсак, нафи янада ойдинлашади. Ойлада мустаҳкам қарор топган анъанани кўриб, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Зеро, уйда гулзор бўлмаган кўни-қўшнилари ўз фарзандларини Парпиевлар ҳовлисига ёрдамга чиқариб,

гулчиликка иштиёқ уйғотишаётгани ҳам бежиз эмас.

— Бундай манзарани туманимизнинг аксар ховлиларида кузатиш мумкин, — дейди Янги Наманган тумани ҳокимлиги масъул ходими Юлдуз Йўлдошева. — Аҳолининг гулчиликка меҳри жуда баланд, уни оилавий бизнесга айлантирганлар ҳам кўпчилик. Мана шу сиз

га етказиб берилди. Демак, даромад бултургидан ҳам кўп бўлди. Дарвоқе, бу ерда етиштирилган ноёб гул кўчатлари Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилинмоқда. Тадбиркорликнинг ушбу тури билан банд бўлган оилалар сони йилдан-йилга ортаётгани қувонарли. Айниқса, Меҳнатобод, Янги замин, Тинчлик ҳамда Саховат маҳаллаларида бу бизнес вакиллари бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Наманган аҳлининг миллий қадриятларидан бири ҳисобланган гуллар байрами халқроқ даражага кўтарилди. Эндиликда халқроқ гуллар фестивалига дунё мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Бу йилги фестивал тантаналари олдидан истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўча бўйларига 200 млн. тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилиди. Уларнинг асосий қисми биз ҳикоя қилган Муяссар Парпиева сингари табиатга меҳри банд, гулчиликни санъат даражасига кўтарган омилкорлар томонидан етказиб берилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

МУНЧОҚЛАРДАН МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН АЁЛ

Зомин туманида яшовчи Севара Мусаева ўзининг меҳнаткашлиги ва фидойилиги билан одамлар орасида катта обрў-эътибор қозongan. У мунчоқдан эсдалик буюмлари тайёрлаш, сунъий гуллар ясаш, зардўзлик каби амалий санъат йўналишларида 15 йилдан буён самарали фаолият олиб боради.

Интилиш

Қўштол маҳалласида яшовчи Севарани ҳеч қим имконияти чекланган демайди. Чунки у тўрт мучаси соғ аёл уддалайдиган ишни кам-қўстсиз бажармоқда. У вилот «Хунарманд» уюшмасининг фаол аъзоси сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилаётгани ҳам ибратга лойиқ.

— Ўзингиз севган касб этагини тутсангиз ҳаётга, яшашга иштиёқингиз ошиб бораверар экан, — дейди у. — Қолаверса, ҳар дақиқа вақтдан самарали фойдаланишга интиламан. «Аёллар дафтери», «ёшлар дафтери» рўйхатидаги хотин-қизларга ҳунари ўргатаётганимдан жуда қувонаман. Ахир одамларга фойдам тегяпти, уларнинг дуосини оляпман. Шунинг ўзи мени яшашга ундайди. Айниқса, ҳунари ўрганаётганлар орасида мактаб ўқувчилари ҳам борлиги эътиборга молик.

Севара Мусаеванинг руҳшунос сифатида ҳам маҳалладошларига ёрдам бермоқда. Тўрт йил психология курсларида ўқиб, бугунги кунда шогирдларига руҳий таянч бўлмоқда.



Турли ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда психология соҳасида олган билимлари унга қўл келмоқда. У турли кўргазмаларда мунтазам қатнашиб, ўзи яратган санъат асарлари билан иштирокчилар қалбини забт этиб келмоқда.

— «Хунарманд» уюшмаси томонидан ташкил қилинадиган кўргазмаларда қатнашсам, менда янги гоյлар туғилаверади, — дейди у. — Одамлар меҳнатимни қадрласа, руҳиятим ўсади. Ҳатто «Ота-онангизга раҳмат!» деган гапнинг ўзи мен учун катта бахт.

Севара ўз устахонасида 8 дан 37 ёшгача бўлган хотин-қизларга ҳунари ўргатади. Унинг нафақат Зоминдан, балки Жиззах ва Тошкент вило-

ятларида ҳам шогирдлари бор. Буюртма асосида рўмол, шарф, пайпоқ тўкишади. Хомашёнинг асосий қисмини онаси — Гулчехра опа етказиб беради. Онаси унинг энг ақин кўмакчиси.

Тиниб-тинчимас аёл миллий байроғимиз шаклидаги қаламдон яратиш гоёси орқали мактабгача таълим муассасаларидан кўплаб буюртмалар олмақда. Шунингдек, миллий кўгирчоқлар, юмшоқ ўйинчоқлар, гуллар ясади. Айниқса, оналар учун яратилган гуллар энг чиройли совға сифатида доим эътироф этилади.

— Ҳар бир байрамда онамга ўз қўлларим билан ясаган гул совға қилиб, унга бўлган муҳаббатимни шундай изҳор этаман, — дейди Севара.

Хунарманд уйда муъжазгина цех очиб, 2 нафар хотин-қиз бандлигини таъминлаган. Бу ерда парда, кўйлак ва бошқа либослар тикилади. Севара эса қийимларни қайта ишлаб, турли ўйинчоқлар ясади. Келгусида у цехни кенгайтириб, яна бир нечта ишсиз аёллар бандлигини таъминлашни мақсад қилган.

Рустам НУРМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Ижтимоий ҳимоя



«Фаол ҳаётга қадам»:

УМИД ВА ИШОНЧ

Ангор туманида эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Фаол ҳаётга қадам» дастури доирасида янги ижтимоий хизмат тури йўлга қўйилди. Айни пайтда ундан етти нафар киши доимий фойдаланмоқда.

Кундузги қатнов асосида хизматлар ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 дан 62 баллгача бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги шахсларга доирасида янги ижтимоий хизмат тури йўлга қўйилди. Бу ҳафтада беш кун, соат 08:00 дан 17:00 гача кундузги қараб туриш, овқатлантириш, гигиеник меъёрларга риоя қилиш, мулоқот ва мустақил кўникмаларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Орзуғул Эргашева 2005 йили рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли ногиронлик арава-часига мослашишга мажбур бўлган. Утган йигирма йил мобайнида кундалик ҳаракатланиш, парвариш ва руҳий кўмак учун ёрдамга муҳтож эди.

— «Фаол ҳаётга қадам» дастури мен каби жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун умид ва яшаш истигини қайта уйғотмоқда, — дейди О. Эргашева. — Меҳрибон ва сабр-тоқатли ходимлар ёрдамида соғлигимда ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Тиббий машқлар орқали туриш ва ҳатто қисқа масофага юришни бошладим. Бу мен учун катта ютуқ. Мана шундай ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдорман.

Айтиш жоизки, бу каби ижтимоий хизматлар шахснинг нафақат кундалик эҳтиёжини қондириш, балки унинг руҳий ҳолатини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Дастурга қизиқиш ошиб бораётгани сабабли келгусида қамровни янада кенгайтириш режалаштирилган.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

НОМИГА МУНОСИБ ОРОМГОҲ

Фарғона туманининг табиати сўлим «Лоғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Билимдон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

«Ёзги таътил — 2025»

Бир мавсумда 1000 нафар ўқувчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилган оромгоҳда замонавий ўқув ва маънавият хоналари, кутубхона, тиббиёт маскани, турли тўғарак машғулоти яратилган бўлишига мўлжалланган ўйин майдончалари ҳамда сузиш ҳавзаси ташкил этилди.

Янги оромгоҳга доимий равишда аёлочи, фаол ўқувчилар жалб қилинади. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 48 млрд. сўмлик лойиҳа доирасида барча қулайлик яратилди.

— Оромгоҳда йил мобайнида тўғараклар фаолияти ҳамда маданий-маърифий

тадбирлар тўхтамайди, — дейди Фарғона тумани ҳокими ўринбосари Илхомжон Тошпўлатов. — Ушбу масканда «Долзарб 90 кун» тадбирларини намунали ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида режа ишлаб чиқилган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Фарғона вилоятида 14 та стационар ҳамда мактаблар қошида 114 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Ёзги мавсумда мазкур оромгоҳларда 40 минг нафарга яқин болалар мазмунли дам олиши режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



7 дан 11 июлгача давом этадиган Швейцариянинг Женева шаҳридаги Ахборот жамияти бўйича Бутунжаҳон саммити — «WSIS+20»да илк бор Ўзбекистон Прогрессив ислохотлар маркази вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқуллов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6